

577 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА ШАРТНОМАСИ  
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Андижон ш.

2022 йил "5" январь

"Узбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 2021 йил "30"декабрдаги 27-01-14/6027-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андижон филиали директори Ш. Н. Ахмедов(кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва Андижон шахар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш булими номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи С. Нурбек Мансуров (кейинги ўринларда - Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

**1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:**

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ)расмий веб-сайтида эълон қилинган Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Узбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома туздади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептими) ҳисобланади.

**1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.**

**1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.**

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.**

**2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.**

**2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.**

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

**3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.**

**3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийdir. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.**

**3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.**

**3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тұланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.**

**3.4. Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг 1-сонли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.**

**3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишиш/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.**

**3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлади.**

**3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.**

**3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмагига асос бўла олмайди.**

**3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтича тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера қўйдлари билан тартиби солинади.**

**3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентнинг тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентнга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.**

**3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.**

**3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.**

**3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.**

**4. Томонлар жавобгарлиги**

**4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).**

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

**5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Узбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибида риоя қилинган ҳолда ўзаро келишиш орқали ҳал қилинади.**

**5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишиш орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Андижон туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.**

## 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равиша Узбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиши тартиба солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатлари содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боялиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равиша хабардор қилинади.

## 7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномода ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 марта қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиши муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажариши давом эттираса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар алмалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
"Узбектелеком" АК Андикон филиали	Андикон шахар Ветеринария ва чорвачиликни ривоҷлантириши булими
Манзил: Андикон ш., Лермонтов к., 12.	Андижон шахар ВЕТЕРИНАРИЯ БУЛНИИ
Банк маълумотлари:	Манзил: ЮЛДАШЕВ №36 ТЕЛ:226-27-58
x/p: 2021000104074838308	Банк маълумотлари:
СТИР:203366731	x/p: 1000 2286 0034 0170 4213 3250 001
МФО: 00401	СТИР: 4001 2286 0034 0179 5010 0250 001
Банк: АТБ "Алокабанк"Тошкентфилиали	МФО: 202319344 ОКОНХ: 22200
Тел: (74) 224-0424, (74) 226-2003	Тел: 226-27-58
E-mail: andtel@uztelecom.uz	E-mail: РЕС. МОЛДА ВАЗИРЛIGИ ГАЗНАЧИЛИК F/X: 2340 2000 3001 00001010
Оператор номидан:	Абонент номидан:
Ахмедов Шуҳратбек Нумонжанович /	Инн: 201122919
м.ў.	Г. Суяркулова

2022 йил “ 5 ” январь  
№ 577 - сонлии абонент шартномасига  
1-нлова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчовбирлиги -Миллӣӣ валюта(сўм)

t/p	Хизматларноми	КҶС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% КҶС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Рўйхатдан утиш ва урнатиш учун			1	0,00
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Бир ойлик абонент тўлови алока хизмати учун	20 000,00		3	60 000,00
Жами (олдиндан тўлов)					60 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори 60 000,00 (олтмиш минг)сўм, шу жумладан, КҶС 15 %  
микдорида. Ундан 20 000,00(йигирма минг )сўм ойлик тўловни ташкил киласи.

**ОПЕРАТОР:**

“Узбектелеком” АҚ Андижон филиали

Директор  
/имзо/  
M.Y.



III.Ахмедов

**АБОНЕНТ:**

Андижон шахар Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириши булими

Оператор номидан:

Абонент номидан:



*[Handwritten signature over the stamp]*

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**

### **XULOSA**

#### **1.Loyihaning turi**

Shartnoma.

#### **2. Loyihaning nomi**

To‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnoma

Andijon shaxar veterenariya va chovachilikni rivojlantirish bo‘limi bilan "Uztelekom" AK Andijon filiali o‘rtasida O‘zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi №684-sonli "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi Qonunining 71-moddasi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2021 yildagi PQ-3953-sonli "O‘zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi Qarorining 1-ilovasi 4-bandiga asosan to‘g‘ridan-to‘g‘ri 60 000 (oltmish ming) so‘mlik internet xizmatlari ko‘rsatish uchun tuzilayotgan shartnoma loyixasi.

#### **3. Loyiha ishlab chiquvchisi**

Andijon shaxar veterenariya va chovachilikni rivojlantirish bo‘limi

Shartnomani o‘rganish jarayoni bo‘yicha,

### **ХУЛОСА**

Shartnoma loyixasi amaldagi O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to‘g‘risida"gi Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti:**



**U.Qo‘chqarova**

**13.12.2021 йил.**